Тарихда ёзилишича ва биз шу кунга кадар ишониб келган маълумотларга кўра, Россиянинг энг сўнгги подшоси Николай II ва ўша даврнинг сарой маликалари бўлмиш буюк княгинялар - шохнинг хотини ва кизлари 1918 йилнинг июлида болшевиклар хукумати томонидан отиб ташланган эди. Аммо буни карангки, буларнинг барчаси уйдирмага ўхшаб колди.

Маълум бўлишича, Русиянинг сўнгги хукмдори якин йилларга кадар хам Серпухово якинидаги 17-ўта махфий объектда яшаб келган. Бундан ташкари, хукмдорнинг кизи, улуг княгиня Олганинг ўлимидан сўнг дафн этилиш сирини эса Ватикан узок йиллар махфий саклаган.

Гап шундаки, Дания Кироллигидаги Петропавловск ибодатхонасидан Александр учинчининг хотини, яъни Николай II нинг онаси бўлмиш императритса Мария Фёдоровнанинг хоки кўчирилиб, кайта дафн этилади.Бу норасмий маросим 1998 йилда ўтказилиб, айнан Николай II ва унинг оила аъзоларининг кайта дафн этилиш вактига тўгри келади.Лекин шунга карамай, хамон кўп нарсалар мавхумлигича колиб келмокда.Уларнинг энг мухими эса куйидагича : хакикатан хам сўнгги рус подшоси илгариги салафдошлари билан айнан шу улуг ибодатхонага дафн этилганмиди? Матбуотда бу мавзу жуда кўплаб бир-бирига зид бўлган маълумотлар берилгани, илмий тадкикотлар ўтказилганига карамай, хамон бир хулосага келинганича йўк.

Аммо бу вокеаларга доир «Мир новостей» газетасига парижлик фоторепортёр, 70-йилларда СССРдан мухожир бўлиб кетган Владимир Сичевнинг берган интервюсидаги тахмин ва гумонлар шундан далолат берадики, буюк княгинялардан бири Олга Николаэвна 1976 йилга кадар Ватикан рахнамолигида яшаб келган. Бу эса Колчак топширигига кўра подшо оиласининг аъзоларини битта колдирмай кириб ташлаш тўгрисидаги буйругининг бажарилиши натижалари тўгрисида янгича тахминларни юзага келтиради.

- 1970 йилнинг охирида мен такдир такозоси билан Россиядан Гарбга кетиб колдим. Айни пайтда Парижда истикомат киламан. СИПА агентлигида фаолият кўрсатмокдаман, - деб ўзини таништирган Владимир Сичев куйидагиларни хикоя килиб берди:

- 1983 йилнинг ноябрида мен Венетсияга хизмат сафари билан боргандим. Бу ерда йирик давлатларнинг бошликлари учрашиши керак эди. Ушбу саммитда бир италян журналисти билан танишиб колдим. Менинг ўзига хамкасаба эканлигим ва айникса руслигимни билгач, у кўлимга бир газета тутказди. Унда Николай II нинг отиб ўлдирилишдан кандай саклаб колиниши тўгрисида макола чоп этилганди. Мазкур маколада Швейтсариянинг хусусий клиникаларидан бирида бутун католик дунёсининг диний хамшираси Паскалинанинг вафот этгани, бу рохиба Пия XII (1939-1958й.) папалиги даврида мухим бир вазифада ишлагани ва энг асосий карорларни кабул

килишда папага кучли таъсир кўрсата олиши билан машхур бўлган. Католик мазхабининг маркази бўлмиш бу юртда уни «Ватиканнинг темир хоними» деб аташарди. Шундай килиб, Паскалина она ўлимидан олдин ёнига адвокат ва гувохларни чакиртириб, ўзининг умри давомида шохиди бўлган бир сирни кабрига олиб кетишни истамаслигини билдирган. У Италия шимолида жойлашган Маркотти кишлоги якинида дафн килинган номаълум аёлнинг майити аслида рус подшоси Николайнинг кизи Олганики эканлиги ва у асло 1918 йилнинг 16 чидан 17 июлига ўтар кечаси болшевиклар томонидан отиб ўлдирилмагани тўгрисида гапириб бергани тўгрисида сўз борарди. Шунда В.Сичев италян журналистидан у билан бирга ўша кишлокка бирга боришни, бу кабрнинг мавжудлигини ўз кўзлари билан кўриб ишонч хосил килиши кераклигини сўраб, туриб олади. Тўрт соатлик йўлдан кейин улар кишлокка етиб келишади. Махаллий гўрков уларни хеч кандай иккиланишсиз бир кабрга бошлаб боради. Дархакикат, кабртошда «Олга Николаэвна, рус подшоси Николай II Романовнинг катта кизи, (1895-1976 йиллар)» деган битик бор эди. Кабртошда мархуманинг фамилияси кайд этилмаган бўлиб, бу унинг шунча вакт бошка ном остида яшаганидан далолат берарди.

- Бунинг бари мен учун нихоятда кутилмаган янгилик эди, - хикоясида давом этади Владимир Сичев, - ва шу сабаб хамон хаяжонимни босолмай, таржимон ёрдамида кабристон коровулидан бу аёл кишлокда качондан бери яшай бошлаганини сурадим.

- У бу ерга 1948 йилда, урушдан кейин кўчиб келганди, - деди ишонч билан коровул.

- Бу ерда яшаб юрган вактида у ўзи тўгрисида бирор бир маълумотлар берганмиди?

- Албатта , Олга келиши билан бу ердагиларга ўзининг сўнгги рус шохининг кизи эканлигини айтганди.

- Унинг бу гаплари матбуотга хам чикармиди?

- Ха, чикарди.

- Бу кутилмаган арзга бошка Романовларнинг муносабати кандай бўлди?

- Улар аёлни судга беришди.

- Ва хар сафар суд жараёнида ютказармиди?

- Ха, шундай.

- Унда, - деб овоз чикариб мулохаза юрита бошладим мен,- бу аёл голиб келган тарафнинг адвокатларининг харажатларини тўлаши керак эди-ку. Бунга у пулни каэрдан оларди? У бирор жойда ишлармиди?

- Йўк, у хеч каэрда ишламасди.

- Унда бу харажатларни ким тўлаган?

Коровул хотиржам , шуни хам билмайсизми дегандек жавоб берди:

- Ахир кишлокдагиларнинг хаммаси унинг Ватикан хомийлигида эканлигидан хабардор эдилар.

Парижга кайтгач, В.Сичев мархумага тегишли бор хужжатларни титкилашга тушади. Ва махфий хужжатлардан хакикатдан хам шох оиласини ёппасига отиб ташлаш катли содир этилмаганини билиб олади.

## «КАТЛ» НОМЛИ СПЕКТАКЛ

Бизга етиб келган маълумотларга кўра, ўз топширигининг кай даражада тоза бажарилганини аниклаб келиш учун ўша пайтларда адмирал Колчак кандайдир Наметкин деган кимсани шу ишни ўрганиш бўйича изкуварликка ёллайди. Терговчи вазифасига тайинланган ва бу иш билан уч ой машгул бўлган Наметкиннниг фикрича, бу иш ўта жўн бўлиб, у куйидаги хулосага келади: хеч канаканги катл отишмаси содир этилмаган, шунчаки газот инстсенировкаси намойиш этилган холос.

Бундай хулоса Колчакни каноатлантирмайди ва Наметкиннинг берган ёзма ахборотини тортмага ташлаб кўйиб, бошка бир, Сергеэв фамилияли изкуварни ёллайди. Айнан Сергеэв хакикатни охиригача очиши керак эди.

Худди ана шу ерда биз хозирги замон ўкувчиларига айрим нарсалар янада ойдин бўлиши учун бироз чекиниш килишимизга тўгри келади. Инчунун ўша даврдаги вокеаларга шохид бўлган руслар 1917 йилдаги мазкур вокеалар хакидаку яхши билишарди, аммо французларнинг кинояли таъкидларига кўра шохни Ленин катл эттирган деб хисобланиб келинган. Вахоланки, ўша пайтда Ленин эндигина чет элдан, Германиядан кайтиб келган, шохни эса ок республикачилар горат килишганди. Эндиликда уларга тирик шохнинг хечам кераги йўк ва подшох тўгрисидаги колган-кутган афсоналар эса шунчаки тўкиб-бичиб ташланган эди. Аслида эса хаммаси бошкача бўлган. Яъни изкувар Сергеэв уч ой мобайнида Колчакка куйидагиларни маълум килиб туради: «Мен профессионалман ва бу вокеаларнинг хаммасини тахлил килиб чикиш учун менга кўп вактнинг кераги хам йўк. Шунинг учун таъкидлайманки, хеч канаканги катл содир этилмаган ва бу «хунрезлик» сахна кўриниши бўлган холос.» Аммо бу кўрсатмалардан хам каноатланмаган Колчак мазкур ишга ўз одами - юрист Николай Соколовни жалб этади. Соколов 1919 йил февралининг охиридан май ойининг сўнгигача бу иш билан шугулланади. Бирок кидирув ишларини якунлашга улгуролмай колади: сабаби кизиллар Екатеринбургни ишгол килгандилар. Ок армия билан бирга архив хужжатларини хам ўзи билан олганча чекинган Соколов Парижга келиб колади ва нихоят 30-йилга келиб «Шох оиласининг катли» номли китобча чоп эттиради.

(Шу ерда аниклик киритиб ўтадиган бўлсак, Соколовнинг мазкур китоби аслида 1925 йилда чоп этилагн бўлиб,унинг муаллифи 1924 йилнинг 23 ноябрида «маълум

бўлмаган сабабларга кўра» вафот этганди. Бу инсоннинг кўримсизгина кабрига дўстлари томонидан ўрнатилган лавхга эса куйидаги сўзлар зикр этилган: «Сенинг Хакикатинг- Абадий Хакикат». Россияда бу китоб 1990 йилдагина «Советский писател» нашриёти томонидан чоп этилади.

Бундан ташкари, шуни таъкидлашим мумкинки, айнан ўша даврга келиб, Париждаги рус антиквар магазинларида Соколов тадкикотларининг бирининг нусхасини сотиб олишни таклиф килишди. Мазкур нусха кадимги машинкада терилган бўлиб, шохнинг ўлдирилган оила аъзоларининг суратлари , Коптягада ёндириб юборилган бу мурдаларни излаш схемалари, Соколов дастхатлари ва ўша пайтда бор-йўги бир нечагина нусхада бўлган ашёлардан иборат эди. Магазин хўжайини мазкур бебахо хужжатлар учун беш минг доллар сўради. Афсуски, ўша пайтда Парижда мен бу микдордаги пулни топишнинг иложини килолмадим. Бундай ноёб хужжатларнинг ўз бахосига нисбатан бу кадар арзон бўлишининг сабаби шунда эдики, ашёвий хужжатлар тўплами ичида битта боб етишмасди.

- Шундай килиб, хар иккала изкуварнинг хулосалари, - давом этади Сичев, - фавкулодда кутилмаган бир нарсани, яъни хеч кандай катли ом бўлмаганини тасдиклайди. Бундан ташкари, шу пайтгача ўлдирилганларнинг танаси топилмаган, демак мурдалар юк-ки, катл хам бўлмаган. Бундан келиб чикадики, бутун бошли подшох оиласи изсиз гойиб бўлганми?

Расмий тахминларнинг мантикка тўгри келмаслиги сабаби - оклар Екатеринбургга саккизинчи куни кириб келгани маълум бўлади. Император поэзди вахима ва кўркув билан бу ердан чикиб кетади. Ўлдирилганларнинг жасадлари юк машинасидаги иккита солдатга топширилади.Ўлкашунослик музейидаги маълумотларга кўра, бу хайдовчиларнинг машина бакида жами 78 литр бензин борлиги маълум бўлади. Бу ёнилги микдори шу кадар кўпки, хас-хашаклар билан ёпилган мурданинг устига бир карра учкун беришнинг ўзи бутун таналарнинг кулини кунпаякун килиши турган гап. Бундан ташкари, мурдаларни дафн этиш - бу уларни ўлдирганларнинг иши эмасми, буларга такдирнинг хукмида номаълум колдирилган иккита худобехабар аскарнинг нима алокаси бор?

Шундай килиб, Николай IIни 1998 йилда Романовлар билан эмас, унинг ёнидаги кардошлик кабристонига кайта дафн этдилар. Мазкур тантанада «Романовлар - императорлар оиласи» деган иборалар жарангламади. Бунда факат улуг азобга гирифтор бўлганлар, айбсиз катл этилганлар хакидагина сўз борди.

Якинда эса Николай ва унинг кавм-кариндошларининг майитидан колган суякларни экспертиза килиш ишларида иштирок этган японияликлар бизнинг ўтказган текширувларимиз хатолиги, Петропавловскда дафн этилган суяклар бошка бировларники эканлигини таъкидлашди. Бунга кўшимча килиб яна шуни айтиш мумкинки, дафн этилганлар орасида Анастасия ва Алексейнинг суяклари йўклигини хисобга оладиган бўлсак, шох оиласининг ёппасига отиб ўлдирилгани тўгрисидаги тахмин хеч кандай мантикка тўгри келмайди. Мутахассислар таъкидлашмокдаки, бундай отишмадан омон колиш умуман мумкин эмас.

Бундан келиб чикадики, ёхуд Ипатевский ертўласида ўтказилган катлда бу бахтикароларнинг хаммаси битта колмай кириб битирилган ёхуд умуман бу катл содир этилмаган .

Сичев бу вокеларни гапириб беришни якунлаганда, махфий 17-объектдан тортиб, Коншин реквизитларигача унинг компютерида шу мавзуда бирор бир маълумот топилмасмикин, деб кизикиб колади. Буни карангки, уч минутга колар-колмас, компютердан шундай жавоб олинади: Ха, Сталин икки бор Кремлни тарк этиб, зиёратга чиккан. Биринчи бор - чет эл ёзувчиси, яъни Жон Риднинг дачасига, иккинчи бор эса Оржоникидзенинг дачасига.

- Менимча эса, - дея шубхаланишда давом этади Сичев, - Сталиннинг Москвадан аллакандай чет эллик ёзувчини зиёрат килиш учун бориши ёхуд Оржоникидзеникига мехмондорчиликка киришига ишониш кийин. Ва шундан келиб чикадики, агар шохнинг катта кизи Олга 1976 йилда вафот этганини хисобга оладиган бўлсак, демак Россиянинг сўнгги подшоси 30-йиллар охирида вафот этган ва Россиянинг гарбий худудларининг бирлаштирилиши рус императорининг ўзи билан бамаслахат холда амалга оширилган бўлиши хам мумкиндир. Бошкача килиб айтганда, мазкур кайта очилган далиллар кандайдир акл бовар килмас маънога эга. Хўш, Николай II аслида ким? Ким ўзи бу темир никобли одам?

Хамкасабаси билан бўлган янги учрашувида Париж репортёри унга Сталиннинг Коншинога килган ташрифлари тўгрисида гапириб беради. Бунга жавобан у хаяжон билан куйидагиларни хикоя килади: «1983 йилда биз хотиним билан худди ана шу именияга ташриф буюргандик. Мен худди банклардаги каби пўлат деворлару бураб очиладиган туткичли эшикларни хали -хали эслайман. Назарий нуктаи назардан хам, амалий жихатдан хам бу ерда шу нарса кўринардики, бундай темир бетон девор ортида исталган одам кўрикланиши мумкин эди. Дарвоке, хозир, бир дакика, шошмай туринг, мен хотинимга бирров кўнгирок килиб бокайчи», деди у ва телефон ракамларини терди. У ёкдан гўшак олингач, сўради: «Ирина, эсингдами, биз 1983 йилда Коншинларнинг имениясига боргандик.У ерда хаммасидан хам кўра нималар сени лол колдирганди?» Ва гўшакни менга узатади. Гўшакдан аёл кишининг «У ерда мени хаммасидан хам кўра кўпрок хайратга солган нарса бу - Коншинлар кабрининг очиб ташлангани бўлганди» дегани эшитилди.

- Галати, шундай эмасми? - сўрайди мендан Сичев.

- Бунинг нимаси ажабланарли. Шунчаки гўрковлар иши ёки бирор хазина кидирувчининг ўзбошимчалигидир-да.

- Хечам бундай эмас! Аник тахмин шундан иборатки, 17-махфий объектнинг кабристони, боз устига Сталиннинг бу ерга икки бор сирли тарзда келиб кетганини хам хисобга оладиган бўлсак, бу жой полковник Романовнинг хокини саклаган, яъни унинг кимнингдир нимадандир нихоятда хавотирланишига сабаб бўлган суякларини! Ва афсуски бу хавотир хали хамон йўколмаган кўринади.

**Дилфуза таржимаси**